Адл ила олам юзин обод қил!

Куч – адолатда

2023 йил
14 апрель,
жума
№ 19 (949)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси ● http://www.kuch-adolatda.sud.uz ● 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

ДАЛА ЧЕТЛАРИДА МАҲСУЛОТ ЕТИШТИРИШ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев дала четларида маҳсулот етиштиришни кўпайтиришнинг устувор вазифаларини белгилаб берди.

Бу ҳақда жорий йил 23 март куни қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича бўлиб ўтган йиғилишда топшириқ берилган эди. Шундан сўнг Кадастр агентлиги томонидан ўтказилган хатловда 60 минг гектарга яқин дала четларидан тўлиқ фойдаланилмаётгани аниқланди. Ҳисобкитобларга кўра, бу майдонлардан унумли фойдаланиш орқали 337 минг тонна қўшимча маҳсулот олиш имконияти бор.

Тақдимотда қайд этилганидек, бу ишларни Қишлоқ хўжалигида хизматлар кўрсатиш агентлиги ташкил этади. Бунинг учун агрономлар мавсумий ишга қабул қилинади. Сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти ҳамда Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти Агентликка бириктирилади.

Дала четларида деҳқончилик қилиш учун уруғ, кўчат, ўғит ва сув таъминоти мақсадларига 100 миллиард сўм йўналтирилади.

Етиштирилган маҳсулотларни сақлаш ва қайта ишлаш ҳам муҳим. Шу боис қуритиш ва совитиш ускуналарини харид қилишга 50 миллиард сўм ажратилади.

Дала четидаги зовур ва сув бўйларида 600 минг бош парранда боқиш ҳамда қарийб 300 мингта асалари уяси жойлаштириш имконияти борлиги кўрсатиб ўтилди.

Ҳозирда фермер хўжаликлари томонидан ер майдонлари иккиламчи ижарага фақат 1 йилгача берилади. Ток, тут, терак каби дарахтлар кўп йилда етилишини ҳисобга олиб, бу муддат 10 йилгача этиб белгиланмоқда.

Давлатимиз раҳбари бу чора-тадбирларни маъқуллаб, унинг ижросини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар берди.

ЎзА

АФҒОНИСТОНГА ҚЎШНИ ДАВЛАТЛАР ВАЗИРЛАРИ УЧРАШУВИДА САМАРҚАНД ДЕКЛАРАЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

13 апрель куни Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон томони раислигида Афғонистонга қўшни давлатлар вазирларининг тўртинчи учрашуви бўлиб ўтди. Тадбирда Ўзбекистон, Эрон, Покистон, Россия, Тожикистон, Туркманистон ва Хитой ташқи сиёсат идоралари раҳбарлари иштирок этди.

Форум давомида томонлар Афғонистондаги мавжуд вазият, ушбу мамлакатнинг амалдаги расмийлари томонидан жаҳон ҳамжамиятининг инклюзив ҳукумат яратиш, афғонистонлик аёлларнинг меҳнат ва таълим олиш имкониятини ҳамда миллий озчиликнинг ҳуқуқларини таъминлаш каби асосий талабларининг бажарилиши муҳокама қилинди.

Афғонистон халқига гуманитар ёрдам кўрсатиш ва мамлакат миллий иқтисодиётини тиклашга қаратилган биргаликдаги ҳаракатлар механизмини ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланди.

Халқаро терроризм, гиёҳванд моддалар ишлаб чиқариш ва уларнинг контрабандасига қарши курашда Афғонистонга қўшни давлатларнинг чора-тадбирларини кучайтириш муҳимлиги қайд этилди.

Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги минтақавий ўзаро боғлиқликнинг асосий омили сифатида Афғонистон салоҳиятини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш муҳимлиги қайд этилди.

Шу нуқтаи назардан, томонлар Афғонистон ҳудудида қўшни давлатлар иштирокида нафақат янги иш ўринлари яратиш, балки бу мамлакатнинг минтақавий иқтисодий жараёнларга янада фаол интеграциялашувга хизмат қилувчи инфратузилма ва ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларни амалга ошириш тарафдори эканликларини билдирдилар.

Афғонистонга қўшни давлатлар вазирлари учрашуви якунлари бўйича Самарқанд декларацияси қабул қилинди.

Форум тадбирлари доирасида Ўзбекистон ташқи ишлар вазири вазифасини бажарувчи Бахтиёр Саидов Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири Сергей Лавров, Покистон ташқи ишлар давлат вазири Ҳина Раббоний, Эрон ташқи ишлар вазири Ҳусайн Амир Абдуллаҳиён билан учрашувлар ўтказди.

Шунингдек, Ўзбекистон ташқи ишлар вазирлиги етакчиси, 14 апрель куни ўтказиладиган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ташқи ишлар вазирлари кенгашининг мажлисида иштирок этиш учун Самарқандга келган Беларусь Республикаси ташқи ишлар вазири Сергей Алейник, МДҲ Бош котиби Сергей Лебедев билан учрашди.

Мулоқотлар чоғида давлатлар ўртасидаги икки ва кўп томонлама, халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлик масалалари муҳокама этилди.

Ғолиб ҲАСАНОВ,
ЎзА мухбири

Мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида “Аввал инсон, кейин жамият ва давлат” тамойили амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларда яққол ифодасини топмоқда.

● *Оқлов*

Хусусан, Фарғона вилояти судларида дастлабки терговда қилмиши нотўғри малакаланган ёки муқаддам ноҳақ айбланган шахсларнинг оқланаётгани бунинг яққол исботидир.

Шу ўринда бу фикримизга мисол сифатида “Фарғона ҳудудий электр тармоқлари корхонаси” акциядорлик жамиятининг хўжалик қўриқлаш бўлими бошлиғи лавозимида ишлаб келган Шоира Исроилова билан боғлиқ суд жараёнларини келтириш мумкин.

Гап шундаки, Ш.Исроилова 2019 йил 13 апрель куни корхона балансига асосий воситалар сифатида киритилган ва ўзининг моддий жавобгарлигида бўлган баҳоси 14.308.900 сўмлик 29 дона мебель, 300 метр пол артиш учун мўлжалланган матони ойлик ҳисоботларга қалбаки маълумотлар киритиш орқали, қоровул Давлат Ҳомиджонов билан олдиндан жиноий тил бириктирган ҳолда эса, корхонанинг марказий омборига ўрнатилган сув иншоотининг 19.713.360 сўмлик эҳтиёт қисмини номаълум шахсларга сотиб юбориб, ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилганликда айбдор деб топилган.

Оқибатда Ш.Исроилова ва Д.Ҳомиджоновга нисбатан жиноят иши қўзғатилган. Жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг 2020 йил 1 февралдаги ҳукмига асосан Ш.Исроилова Жиноят кодексининг 167-моддаси 2-қисми “в” банди, 228-моддаси 1-қисми билан айбдор деб топилиб, бир йил моддий жавобгарлик юклатилган вазифаларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган ҳолда уч йил озодликни чеклаш жазосига маҳкум этилган.

(Давоми 3-бетда) ►

Тарих тилсимлари

Ўзбекистонга оид нодир қўлёзмалар

қайси хорижий кутубхона ва музейларда сақланмоқда?

Халқимизнинг жаҳон тамаддуни ривожига муносиб ҳисса қўшган буюк алломалари билан ҳақли равишда фахрланамиз. Улар яратган илмий, тарихий ва бадиий асарлар бугун дунёнинг турли жойларидаги жамғарма, кутубхона ва музейларида сақланмоқда.

(Давоми 4-бетда) ►

30 АПРЕЛЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ РЕФЕРЕНДУМИ КУНИ

Ахборот эркинлиги ва суд муҳокамаси ошкоралиги

янгиланаётган Конституциямизда айни йўналишда янги қоидалар белгиланмоқда

XXI аср – шиддат билан шаклланиб бораётган том маънодаги ахборот даври. Бугун ахборот жамият тараққиётининг бош омили сифатида намоён бўлмоқда. Ахборот энг муҳим миллий ва дунёвий бойликка, уларни яратиш ва тарқатишни таъминлайдиган тизимлар барқарор ривожланишнинг стратегик омилларига айланмоқда.

(Давоми 3-бетда) ►

Олий Мажлис Сенатининг ўттиз еттинчи ялпи мажлисида “Тиббиёт ходиминнинг қонуний тиббий фаолиятига тўсқинлик қилганлик учун жавобгарлик белгиланиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун сенаторлар томонидан кўриб чиқилди ва маъқулланди.

● *Моҳият*

Жорий йил 27 март куни қабул қилинган ушбу қонун соҳа вакилларига бўлган эътиборнинг яна бир яққол намунаси бўлди. Бинобарин, бугунги кунда мамлакатимизда инсон қадрини улуғлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Юртимизда мажбурий меҳнатнинг бекор қилиниши, сўз эркинлигининг таъминланиши, шунингдек, ҳар бир соҳа ходимларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қатор қонунлар, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинаётгани шундан далолатдир.

Айниқса, сўнгги йилларда мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизими тубдан ислоҳ қилинмоқда. Ушбу соҳани ривожлантиришни янги босқичга олиб чиқиш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди.

(Давоми 3-бетда) ►

ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

ЯНГИ ТАҲРИРДАГИ

КОНСТИТУЦИЯ – ҳуқуқларимизнинг мустаҳкам кафолати

Бахтиёр ИСЛАМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси

Ҳар бир мамлакат эркин ва фаровон жамият қуришга интилар экан, бу йўлдаги улуғвор мақсад ҳамда вазифаларини, аввало, ўз Конституциясида мустаҳкамлайди. Бунда қонун устуворлигини таъминлаш ҳар қандай замонавий демократик давлатнинг асоси ҳисобланади. Айнан Конституцияда белгиланган устувор қоидалар асосида жамият, унинг сиёсий институтлари ва иқтисодиёт тўлиқ ривожланади. Шу маънода, янги таҳрирдаги Конституция жамиятимизнинг эволюцион ривожланишидан келиб чиқаётган ҳаётий зарурат бўлиб, бу адолатли жамият барпо этиш йўлидаги улкан қадамдир.

Сўнгги йилларда эришган ютуқларимизни, хусусан, иқтисодиёт, инсон ҳуқуқлари, одил судлов, сўз ва эътиқод эркинлиги соҳаларидаги юзлаб чекловлар олиб ташлангани, нақд пул, валюта, кредит масалаларидаги муаммолар ҳал қилингани ва бошқа ижобий ҳаракатлар ортга қайтмаслигининг конституциявий ҳимоясини таъминлаш зарур. Бу ютуқлар, ҳуқуқ ва эркинликлардан нафақат ҳозирги, балки келажак авлодларимиз ҳам эмин-эркин фойдаланиши учун уларни, албатта, Конституцияда муҳрлаб қўйиш талаб этилмоқда.

Ўтган қисқа даврда суд-ҳуқуқ тизимини тубдан ислоҳ қилишга қаратилган тарихий ўзгаришларга қўл урилди. Мамлакатимизда инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият даражасида белгиланди.

Президентимизнинг жорий йил 16 январдаги “Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ва “Одил судлов фаолиятини амалга оширишни самарали ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонларида суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, судлар фаолияти самарадорлиги ва одил судлов сифатини оширишга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар белгиланди. 2023-2026 йилларда суд тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишнинг қисқа муддатли стратегияси ва уни амалга ошириш бўйича ҳаракатлар дастури тасдиқланди.

Бунда **“Янги Ўзбекистон – янги суд”** тамойили доирасида аҳолининг одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишни жадаллаштиришни, соҳага илғор халқаро стандартларни жорий этишни талаб этмоқда. Шу боис, янгиланаётган Конституцияда суд органларини фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилувчи мустақил органга айлантириш энг муҳим вазифа этиб белгиланди.

Янги таҳрирдаги Конституция “Инсон – жамият – давлат” парадигмасига асослангани, унда барча аҳоли тоифаларининг, ҳатто жиноят содир этган шахслар ҳуқуқ ва манфаатлари акс этгани била н ўта муҳим аҳамиятга эга. Муҳим янгиликлардан бири **Ўзбекистон – ҳуқуқий давлат сифатида** белгиланаётганидир. Жумладан, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш давлатнинг олий мақсади, дея эълон қилинар экан, унда инсон ҳуқуқларига оид нормалар 3 баробардан ортиққа ошмоқда.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари қонунларимиз, ҳар бир вазирлик ва идора фаолияти мазмунига айланиши қатъий талаб сифатида белгиланяптики, бу ҳол давлат органлари ҳамда мансабдор шахсларнинг фақат ва фақат фуқаролар манфаатларини кўзлаб фаолият кўрсатишига асос бўлади.

Қонунлардаги зиддиятлар ва ноаниқликлар инсон фойдасига ҳал бўлиши шарт ва зарур. Бунга кўра, қонунчиликдаги инсон ва давлат ўртасида муносабатларни тартибга солувчи ноаниқликлар, турли тушунмовчиликлар бартараф этилади, фуқароларнинг ортиқча оворагарчиликлари олди олинади.

(Давоми 2-бетда) ►

ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

ЯНГИ ТАҲРИРДАГИ КОНСТИТУЦИЯ – ҳуқуқларимизнинг мустаҳкам кафолати

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

Конституцияда давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги мустаҳкамланмоқда. Қонунчиликда белгиланмаган мажбурият ҳеч кимнинг зиммасига ўз розилигисиз юклатилиши мумкин эмаслиги қайд этиляптики, ушбу норма одамлар ҳаётини янада енгиллаштиради.

Ҳужжат лойиҳасида Ўзбекистон Республикаси фуқароси Ўзбекистондан ташқарига мажбурий чиқариб юборилиши ёки бошқа давлатга бериб юборилиши мумкин эмаслиги белгиланмоқда. Бу норма фуқароларимизнинг доимий равишда давлат ҳимоясида эканига ишончни мустаҳкамлашга, ўз юртидан чиқариб юборилиши ёки бошқа давлатга берилиши каби ҳолатларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатлари сезиларли даражада кучайтирилмоқда. Хусусан, ўлим жазоси тақиқланмоқда. Ўлим жазоси тақиқланиши конституциявий даражада белгиланиши инсонни ҳаётдан ҳатто давлат ҳам маҳрум этишга ҳақли эмаслигини кафолатлайди.

Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг ажралмас ва табиий ҳуқуқидир. Ўзбекистонда 2008 йилдан барча жиноятлар учун ўлим жазоси бекор қилинган. Бу Конституцияда эмас, жиноят қонунчилигида ўз аксини топган эди. Ўлим жазоси тақиқланиши конституциявий даражада белгиланиши билан давлатимиз бу ўта жиддий масалада ҳеч қачон ортга қайтмаслигини, инсонпарварлик ғояларига содиқлигини бутун дунёга намоён қилади.

Бугунги кунда 106 давлатда ўлим жазоси барча жиноятлар учун бекор қилинган. Айрим давлатлар ўз тажрибасида ўлим жазосини қонунлар билан бекор қилса-да, Конституциясида бўлмагани боис, уни жазо сифатида қайта тиклаш ҳолатлари ҳам кузатилган.

Ўзбекистоннинг Конституцияга киритилаётган қатъий позицияси мамлакатимизда инсон ҳаёти ва қадри юқори даражада ҳимоя қилинишини яна бир бор тасдиқлайди. Бундан ташқари, ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга ёки қамоққа олиниши, ушлаб турилиши, қамоқда сақланиши ёки унинг озодлиги бошқача тарзда чекланиши мумкин эмаслиги, ҳибсга ёки қамоққа олишга ва қамоқда сақлашга фақат суднинг қарорига кўра йўл қўйилиши белгиланяпти. Яъни шахс эркинлигини чеклаш билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракат фақатгина суд қарори асосида амалга оширилиши шарт. Ушбу қоида тергов органлари томонидан инсонларни ноқонуний ҳибсга олиш, асоссиз қамоққа олиш ва сақлашга йўл қўймасликка қаратилгандир. Бу орқали халқаро эътироф этилган “Хабеас корпус” институтининг қўлланиш кўлами янада кенгаяди.

Янги норма суд-тергов жараёнларида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни ноқонуний ҳаракатлардан тийиб туришга, шахс асоссиз ҳибсга олиниши ҳолатларини бартараф этишга, тергов давомида инсон озодлигини чеклаш билан боғлиқ хатоларга йўл қўйилмаслигига хизмат қилади. Пировардида жиноят иши юритувида инсон қадр-қиммати, шахсий ҳаёти дахлсизлиги, қонунга ва судга ишончи, эмин-эркин ҳаракат қилиш ҳуқуқи мустаҳкам кафолатланади.

Янги таҳрирдаги Конституцияда **“Шахс суднинг қарорисиз қирқ саккиз соатдан ортиқ муддат ушлаб турилиши мумкин эмас. Шахс ушлаб турилган пайтдан эътиборан қирқ саккиз соат ўтгунига қадар судга ушлаб туришнинг қонунийлиги ва асослилиги тўғрисидаги масала ҳал қилиш учун олиб борилиши керак. Агар ушлаб туришнинг қонунийлиги ва асослилиги судда исботланмаса, шахс дарҳол озод қилиниши керак”,** деган норма белгиланмоқда. Бу қоида, биринчи навбатда, шахсни асоссиз ва муддатсиз ҳибсга олишга йўл қўймаслик талабини таъминлайди.

Қамоқ эҳтиёт чорасининг судлар томонидан қўлланилиши амалиётига келсак, 2022 йилда тергов органларидан судларга келиб тушган жами 24 минг 118 илтимосномадан 23 минг 503 таси қаноатлантирилган, 485 таси рад этилган, яъни 485 шахсга нисбатан асоссиз равишда қамоқ эҳтиёт чораси қўлланилишининг олди олинган.

Мазкур норманинг Конституцияда мустаҳкамланиши **шахснинг эркин ҳаракатланишга бўлган ҳуқуқининг қатъий кафолати бўлади ва шахс ушлаб турилган пайтдан эътиборан қирқ саккиз соат ўтгунига қадар судга ушлаб туришнинг қонунийлиги ва асослилиги тўғрисидаги масалани ҳал қилиш учун олиб бориш кераклигини қатъий белгилайди,** агар суд томонидан шахсни ҳибсга олиш ёки унга нисбатан бошқача турдаги озодликни чеклашга оид қарор қабул қилинмаса, шахс дарҳол озод қилиниши зарурлигини англатади. Энг муҳими, ушбу норма инсоннинг фундаментал ҳуқуқлари суд орқали ҳимоя қилиниши ва шахс эркинлиги ҳамда дахлсизлик ҳуқуқининг конституциявий кафолати сифатида хизмат қилади.

Бундан ташқари, янги таҳрирдаги Конституция суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини фуқароларни жазоловчи ёндашувдан инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилувчи ва ҳимояловчи, поймол қилинган ҳуқуқларни тикловчи, рағбатлантирувчи ёндашувга ўзгартирмоқда.

Шахсни биринчи марта ушлаш чоғида унга тушунарли тилда ҳуқуқлари ва ушлаб турилиши асослари тушунтирилиши шартлиги, айбланувчи ва судланувчиларга ўзига қарши кўрсатма бермаслик (халқаро эътироф этилган “Миранда қоидаси”), сукут

сақлаш ҳуқуқи берилмоқда.

Айнан процессуал ушлаш вақтида инсон оғир руҳий ҳолатга тушади ва ҳуқуқий ёрдамга муҳтож бўлади. Чунки у бундай оғир вазиятда жиноятда айбдор ёки айбсизлигини исботлаш мажбурияти ўзига эмас, аксинча, тўлиқ тергов органларига юклатилганини англай олмайди. Тергов органлари томонидан кимдир қўлга олинганида, у нима учун ушлангани айтилмаслигидан шикоятлар кўп. Натижада фуқаролар ҳуқуқлари қўлга олинган вақтнинг ўзидаёқ хавф остида қолади. Афсуски, фуқаролар ўз ҳуқуқларини яхши билмагани ва ҳеч ким уларга буни аниқ ва батафсил тушунтирмагани учун тергов жараёнида қонунга зид ҳолатлар кузатилади. Бу салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида ривожланган давлатлар Конституция ва қонунларида акс этган “Миранда қоидаси” Ўзбекистон Конституциясига ҳам киритилмоқда.

“Миранда қоидаси”га биноан, ушланган шахс сукут сақлаш, сўроқ жараёнида адвокати иштирокини талаб қилиш ва бошқа ҳуқуқларга эгалиги содда тилда шахсга илк сониялардаёқ тушунтирилади. Яъни янги таҳрирдаги Конституцияда жиноий таъқибга олинган шахсларни давлат органлари ҳамда мансабдор шахслар ўзбошимчалигидан ҳимоялашнинг деярли барча усуллари акс этмоқда.

Ҳар кимнинг **ёзишмалари, телефон орқали сўзлашувлари, почта, электрон ва бошқа хабарлари сир сақланиш ҳуқуқига эга**лиги белгиланмоқда. Бундай ҳуқуқларнинг чекланишига ёки уй-жойда тинтув ўтказишга фақат қонунга мувофиқ ва суднинг қарорига асосан йўл қўйилиши мустаҳкамланмоқда.

Ҳар ким ўз ҳуқуқ ва эркинликларини қонунда тақиқланмаган барча усуллар билан ҳимоя қилишга ҳақлилиги белгиланяпти. Ушбу қоиданинг мазмун-моҳияти шундаки, фуқаролар ўз бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини, ўзгалар ҳуқуқларини бузмаган ҳолда, мустақил ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга. Ягона шарт – фуқаролар томонидан ўзини ҳимоя қилишда қўлланиладиган усуллар ёки чораларнинг қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бўлиши.

Конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлар доираси кенгаймоқда. Ҳар кимга бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш учун унинг иши қонунда белгиланган муддатларда ваколатли, мустақил ҳамда холис суд томонидан кўриб чиқилиши ҳуқуқи кафолатланяпти.

Шу билан бирга, биринчи маротаба ҳар ким Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ва халқаро шартномаларига мувофиқ, агар давлатнинг ҳуқуқий ҳимояга доир барча ички воситаларидан фойдаланиб бўлинган бўлса, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилувчи халқаро органларга мурожаат этишга ҳақли экани белгиланиб, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида мутлақо янгича ёндашув – халқаро ҳуқуқий институтларга мурожаат қилиш имконияти яратилмоқда. Бу фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояси нафақат миллий қонунчиликда белгиланган нормалар, балки халқаро ҳуқуқ асосида ҳам ҳимояланишини таъминлайди.

Булардан ташқари, ҳар ким давлат органларининг ёхуд улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги туфайли етказилган зарарнинг ўрни давлат томонидан қопланиши ҳуқуқига эгалиги қайд этилмоқда.

Янги таҳрирдаги Конституцияда айбдорликка оид барча шубҳалар, агар уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ёки маҳкумнинг фойдасига ҳал қилиниши кераклиги қайд этилмоқда. Мазкур норма тўғридан-тўғри амал қилувчи қоида бўлиб, тергов ва суд жараёнида фақат ишончли ва қонуний далиллардан фойдаланишни таъминлайди ҳамда шахсни асоссиз равишда жавобгарликка тортилишдан ҳимоя қилади.

Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи айбсизлигини исботлашга, ҳеч ким ўзига ва яқин қариндошларига қарши гувоҳлик беришга мажбур эмаслиги белгиланмоқда. Бу қоидаларнинг Конституцияда белгиланиши жиноий таъқиб остидаги ҳар қандай шахсга ёки унинг яқин қариндошларига руҳий босим ва турли таҳдидлар ўтказиш, шаъни ва қадр-қимматини камситиш каби бошқа ноқонуний усуллар қўлланишининг олдини олишга хизмат қилади.

Мазкур янги қоиданинг аҳамияти нимада? Бу норма айбсизлик презумпцияси принципининг муҳим кафолатидир. Конституцияга киритилаётган мазкур инсонпарвар қоидага кўра, жиноят иши бўйича ҳар қандай далилларга нисбатан шубҳа пайдо бўлса, бундай шубҳалар гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши зарур.

Нима учун шахс ҳуқуқининг бундай кафолати муҳим? Шахсни айбдорлигига оид ҳар қандай шубҳаларга таяниб, айблаш учун етарли бўлмаган далиллар асосида жавобгарликка тортиш мумкин эмас. Борди-ю, терговда айб эълон қилинса ҳам бундай вазиятда судда айбини тасдиқловчи далиллар етарли эмаслиги туфайли унга нисбатан оқлов ҳукми чиқарилади. Яъни **“Исботланмаган айб – исботланган айбсизликка тенг”,** деган халқаро стандарт амал қилади. Айтиш мумкинки, мамлакатимиз судлари томонидан сўнгги **6 йилда 4700 дан ортиқ фуқаро оқланган.**

Конституцияга киритилаётган мазкур норма суриштирув, тергов ва суд жараёнида фақат ишончли ва қонуний далиллардан фойдаланишни таъминлайди, натижада шахсни асоссиз равишда жавобгарликка тортишнинг олдини олишга хизмат қилади.

Яна бир муҳим норма – агар шахс ўз айбини тан олгани унга қарши ягона далил бўлса, у айбдор деб топилиши ёки жазога тортилиши мумкин эмаслиги кафолатланмоқда. Бу ҳол жиноят бўйича ҳақиқатни аниқлаш, шунингдек, айбсиз инсонлар жавобгарликка тортилишининг олдини олишга, айни пайтда, жиноят содир этган ҳақиқий айбдор шахс ёки шахсларни аниқлашга хизмат қилади.

Озодликдан маҳрум этилган шахслар ўзига нисбатан инсоний муомалада бўлиниши ҳамда инсон шахсига хос бўлган шаъни ва қадр-қиммати ҳурмат қилиниши ҳуқуқига эгалиги ҳам тарихда илк бор конституциявий даражада мустаҳкамланмоқда. Қоладверса, **шахснинг судланганлиги ва бундан келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар унинг қариндошлари ҳуқуқларини чеклаш учун асос бўлиши мумкин эмаслиги белгиланяптики,** буларнинг ҳаммаси мустабид тузумдан қолган иллатга, қанча ёшларимизни ўз орзу-умидларидан воз кечишга мажбур қилган ноинсоний тақиқларга чек қўяди.

Конституцияда ҳар ким ўз шахсига доир маълумотларнинг ҳимоя қилиниши ҳуқуқига, шунингдек, нотўғри маълумотлар тузатилишини, ўзи тўғрисида қонунга хилоф йўл билан тўпланган ёки ҳуқуқий асосларга эга бўлмай қолган маълумотлар йўқ қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга экани мустаҳкамланмоқда.

Янги таҳрирдаги Конституцияда аҳолимиз кутаётган янгиликлардан яна бири – **хусусий мулк дахлсизлиги, мулкдорлар ҳуқуқ ва қонуний манфаатлар ҳимояси кучайтирилаётгани.** Мамлакатимизда барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиниши қатъий белгиланиб, давлат қулай инвестициявий ва ишбилармонлик муҳитини таъминлаши бўйича қоида мустаҳкамланмоқда. Мазкур норма иқтисодиётга тўғридан-тўғри инвестиция жалб этишни рағбатлантириш, инвесторлар ишончини ошириш, тадбиркорлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлайди.

Конституцияда илк маротаба ер хусусий мулк бўлиши мумкинлиги назарда тутилмоқда. Ушбу норма ҳақиқий инқилобий янгиликлардан бири сифатида мулкчилик муносабатларидаги бўшлиқни тўлдирди. Шу билан бирга, ҳеч ким суднинг қарорисиз ва қонунга зид тарзда уй-жойидан маҳрум этилиши мумкин эмаслиги, уй-жойидан маҳрум этилган мулкдорга уй-жойнинг ҳамда у кўрган зарарнинг ўрни қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда олдиндан ҳамда тенг қийматда қопланиши таъминланиши белгиланяпти.

Мазкур норманинг Конституцияга киритилиши бир неча йиллардан буён жамиятимиздаги долзарб муаммолардан бирига айланган “снос” масаласига нисбатан халқпарвар, мулкдор тарафга оқилона ечим бўлади. Ҳақиқатан ҳам, барча демократик ҳуқуқий давлатда мулк ҳуқуқи, айниқса, шахс яшаб турган уй-жойга нисбатан мулк ҳуқуқи муқаддас ҳуқуқ ҳисобланади ва мутлақ ҳимоя қилинади.

Бунда уй-жой мулкдорларига нисбатан 2 турдаги муҳим конституциявий кафолат белгиланмоқда: **суд кафолати ва уй-жойдан маҳрум этилганда компенсация олиш кафолати.** Суд кафолати уй-жойга нисбатан мулк ҳуқуқи суд қарорисиз маҳрум этилишига йўл қўйилмаслигини англатади. Ушбу кафолат уй-жойга нисбатан мулк ҳуқуқи мулкдорнинг эрк-хоҳишидан қатъи назар, мажбурий тарзда бекор бўлаётганда қўлланилиши назарда тутилган. Суд томонидан мулк ҳуқуқи бекор бўлишига сабаб бўлувчи ҳолатлар амалдаги қонун ҳужжатлари асосида объектив тарзда кўриб чиқилади. Албатта, мазкур тартиб мулкдор ҳар қандай ҳолатда асоссиз равишда мулк ҳуқуқидан маҳрум этилмаслигини кафолатлайди.

Иккинчи кафолат мулкдор иқтисодий манфаатлари ҳимоясига йўналтирилгани билан эътиборга молик. Мазкур норма қонунда белгиланган ҳолларда ва тартибда уй-жойидан маҳрум этилган мулкдор шу уй-жой ва етказилган зарар учун тенг қийматда компенсация олишини кафолатлайди.

Конституциядаги яна муҳим жиҳатлардан бири суд ҳокимияти билан боғлиқ янгиликлардир. Одил судловга эришишни кенгайтириш мақсадида шахсларга суд томонидан қўлланилган қонуннинг Конституцияга мувофиқлигини текшириш ҳақидаги шикоят билан Конституциявий судга мурожаат этиш ҳуқуқи мустаҳкамланмоқда. Мазкур норма билан агар бирор фуқаро ёки юридик шахснинг фикрича, уларнинг иши маъмурий, жиноий, иқтисодий ёки фуқаролик судларда кўрилиб, ишни судда кўришда, **биринчидан,** уларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини бузаётган бўлса, **иккинчидан,** Конституцияга мувофиқ келмаса, **учинчидан,** судда кўрилиши тугалланган муайян ишда қўлланилган бўлса, **тўртинчидан,** судда ҳимоя қилишнинг барча бошқа воситаларидан фойдаланган бўлса, қўлланилган амалдаги қонуннинг Конституцияга мувофиқлигини текшириш тўғрисида шикоят билан Конституциявий судга мурожаат қилиш имконияти яратилади.

“Суд ҳокимияти” бобида акс эттирилган ўзгартиришлар суд ҳокимияти мустақиллигини самарали таъминлаш, судьялар корпусини шакллантириш, одил судлов самарадорлигини оширишга асосланган бўлиб, бунинг туб моҳиятида “Инсон қадри учун” ғояси асосида чинакам адолатли суд тизимини шакллантириш ётади.

Киритилаётган ўзгартиришларга кўра, Ўзбекистон Республикасида одил судлов фақат суд томонидан амалга оширилиши Конституция даражасида мустаҳкамланмоқда.

Ўтган даврда суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар натижасида суд тизимида ташкилий-тузилмавий ўзгаришлар юз берди. Ҳар бир ислоҳотдан келиб чиқиб, Конституцияга ҳам тегишли тузатишлар киритилиши талаб этилди. Ҳозирги лойиҳада Ўзбекистонда суд тизими ва судлар фаолиятининг тартиби қонун билан белгиланиши назарда тутилиб, унда суд тизимидаги судлар номма-ном келтириб ўтилмаган.

Бу, ўз навбатида, кейинги даврлар учун ислоҳотларда суд тизимининг ташкилий-тузилмавий ўзгаришлари қамраб олинган тақдирда Конституцияга яна қўшимчалар киритишни талаб этмайди, унинг нормалари барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Эътибор тортадиган жиҳатлардан яна бири — энг юқори раҳбар судьялик лавозимларида бўлиш муддати қатъий белгиланмоқда. Энди айни бир шахс Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Судьялар олий кенгаши раиси ва унинг ўринбосари этиб сурункасига икки муддатдан ортиқ сайланиши мумкин бўлмайди. Шу билан бирга, Конституциявий суд судьялари қайта сайланиш ҳуқуқисиз 10 йиллик муддатга сайланиши ҳамда Конституциявий суд раиси ва ўринбосарининг ваколат муддати 5 йил экани ҳақидаги қоида ўз аксини топмоқда.

Конституция лойиҳасида Судьялар олий кенгаши билан боғлиқ қўшимчалар ҳам назарда тутилмоқда. Унинг мақоми аниқлаштирилиб, Судьялар олий кенгаши судьялар ҳамжамиятининг мустақил органи сифатида суд ҳокимияти мустақиллиги конституциявий принципига риоя этилишини таъминлаш билан бирга, судьялар корпусини шакллантиришга ҳам масъул экани кўзда тутилмоқда. Бундан ташқари, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш мақсадида Судьялар олий кенгашининг барча аъзоларини Сенат томонидан сайлаш тизими киритилмоқда. Судьялар олий кенгаши раиси ва унинг ўринбосари Президент тақдимига биноан Олий Мажлис Сенати томонидан беш йиллик муддатга сайланиши белгиланмоқда.

Суд ҳокимиятининг мустақил иш юритиши – демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этишнинг ягона йўли. Шу сабабли Асосий қонуннинг янги таҳririда судьялар мустақиллиги кафолатларига алоҳида урғу берилган. Жумладан, судьялар фақатгина қонунга эмас, балки Конституцияга бўйсуниши ҳам тўғридан-тўғри белгиланмоқда.

Шу ўринда судьялар муайян ишлар бўйича ҳисобдор бўлмаслиги каби норманинг акс эттирилиши унинг мустақиллигини янада кучайтиради. Давлат судья ва унинг оила аъзолари хавфсизлигини таъминлашга масъул экани белгиланиши эса унинг дахлсизлиги кафолатларини мустаҳкамлаш билан бирга, фуқароларнинг одил судловга ишончини орттиради.

Конституцияга суд ҳокимиятининг молиявий мустақиллигини таъминлашга оид алоҳида модда киритилаётгани судлар мустақиллиги кафолатларини кучайтиришга хизмат қилади. Бундай кафолатни давлат ўз зиммасига олган ҳолда Конституция лойиҳасида судларнинг фаолиятини молиялаштириш фақат давлат бюджетидан бўлиши ҳамда у одил судловни тўлиқ ва мустақил амалга ошириш имкониятини таъминлаши кераклиги кўзда тутилмоқда. Ушбу норма судлар томонидан одил судловни адолатли, қонуний амалга оширишнинг асосий кафолатларидан бири ҳисобланади.

Ушбу кафолатлар суд ҳокимияти учун бугунги кун ривожланиш даврида жуда муҳим саналади ва бундай ташаббуслар мамлакатнинг халқаро нуфузини ва халқнинг судларга ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Конституциявий қонун лойиҳасида бошқа идоралар билан бир қаторда Олий судга ҳам масъулиятли вазифалар юклатилмоқда. Бунда Олий суд томонидан одил судловни амалга оширишда судлар томонидан конституциявий нормалар тўғри ва бир хилда қўлланилишини таъминлаш мақсадида Олий суд пленумининг барча инстанция судлари томонидан ишларни кўриб чиқишнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормаларини тўғридан-тўғри амал қилувчи ҳужжат сифатида қўллаш юзасидан ягона суд амалиёти тўғрисидаги қарори қабул қилиниши назарда тутилмоқда.

Конституцияга адвокатура бўйича алоҳида боб киритилаётгани инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида муҳим институт бўлган адвокатуранинг конституциявий мақомини тубдан оширмоқда. Ҳар бир шахс жиноят процессининг ҳар қандай босқичида, шахс ушланганида эса унинг ҳаракатланиш эркинлиги ҳуқуқи амалда чекланган пайтдан эътиборан ўз танловига кўра адвокат ёрдамидан фойдаланиш ҳуқуқига эгалиги кафолатланмоқда.

Таҳлилларга кўра, 2023 йил 1 январь ҳолатида Ўзбекистонда 4577 нафар адвокат фаолият кўрсатмоқда. Бу эса ўртача 7865 кишига битта адвокат тўғри келишини англатади. Ушбу кўрсаткич Исроилда 136, АҚШда 260, Германияда 500, Қозоғистонда 3932 кишига тенг.

Аслида қандай бўлиши керак?! Табиийки, адвокатсиз одил суд амалга ошмайди. Тарафлар процессуал жиҳатдан мақоми тенг бўлгандагина тортишув вужудга келади. Шу боис, суд процессида адвокатнинг мавқеи прокурор билан тенгма-тенг бўлиши лозим. Энг муҳими шундаки, прокуратура ва судга оид конституциявий нормалар алоҳида бобда акс этганидек, энди адвокатурага бағишланган янги боб киритилмоқда. Тарихий аҳамиятга эга ушбу воқелик жиноят ёки фуқаролик процессларда тортишув тамойилининг мустаҳкам конституциявий асосини яратмоқда.

Умуман олганда, адвокатурага бағишланган янги бобнинг Конституцияда акс этиши фуқароларнинг одил судловга эришиш даражаси янада ошишига, малакали юридик ёрдам олиш кафолати кучайишига, пировардида ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари самарали ҳимояланишига хизмат қилади.

Шундай экан, янги таҳрирдаги Конституция ҳақиқатан ҳам халқ Конституцияси бўлмоқда. Чунки у оддий ва ҳаётий, исбот талаб этмайдиган ҳақиқатни ўзида акс эттиради ва шу билан халқимиз истагига ва хорижий давлатлар тажрибасига тўла мос келади.

Янги таҳрирдаги Конституция янги Ўзбекистонимизнинг бугунги ҳаёти ва эртанги тақдири, суд-ҳуқуқ ислоҳотлари изчил амалга оширилиши ва инсон ҳуқуқлари мустаҳкам кафолатланиши учун хизмат қилади.

(“Янги Ўзбекистон” газетасининг 2023 йил 7 апрель сонидан олинди)

Моҳият

ТИББИЁТ ХОДИМИ фаолиятига тўсқинлик

бунинг учун қатъий қонуний жавобгарлик белгиланмоқда

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

Бирламчи тиббий-санитария ёрдами, шошилинч тез тиббий ёрдам ва ихтисослаштирилган тиббий хизматлар тармоғини ўз ичига олувчи уч босқичли миллий тиббиёт модели яратилди. Аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар самарадорлиги, сифати ва қулайлиги изчил оширилмоқда.

Шу билан бирга, беморлар ва уларнинг яқин қариндошлари томонидан тиббиёт ходимларига нисбатан тажовуз қилиш ҳоллари кўпайиб бораётганидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Бу жараёнда тиббиёт ходимларини беморларнинг соғлиғи ёмонлашиши ёки ўлимида асоссиз равишда айблаш, шифокорларга ва ўрта тиббиёт ходимларига ҳеч бир сабабсиз тажовуз қилиш ҳоллари юз бермоқда.

Маълумотларга кўра, 2019-2022 йилларда юртимизда 285 дан ортиқ ҳолатда тиббиёт ходимларига турли шаклдаги тажовузлар содир этилган.

Амалдаги қонунчиликда хизмат вазифасини бажариб турган тиббиёт ходимларига нисбатан тажовуз ёки тиббий ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ фаолиятга тўсқинлик қилганлик учун тўғридан-тўғри жавобгарлик белгиланмаган. Бундай ҳолат айбдор шахсларнинг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг турли моддаларига асосан жавобгарликка тортилиши, қилмишига яраша жазо тайинланмай қолишига сабаб бўлмоқда.

Шу маънода Президентимиз 2022 йил 18 март куни соғлиқни сақлаш соҳаси вакиллари билан ўтказган очиқ мулоқотда шифокорлик касбининг мақоми ва нуфузини ошириш, уларнинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш вазифасини кун тартибига қўйгани бежиз эмас.

Ушбу вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида тиббиёт ходимлари фаолиятига тўсқинлик қилиш ва уларга нисбатан зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш бўйича қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Мазкур қонун лойиҳасини тайёрлашда АҚШ, Ҳиндистон, Россия, Қозоғистон каби давлатларнинг тажрибаси батафсил ўрганиб чиқилди.

Яъни ушбу янги қонун билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга қуйидагича ўзгартириш киритилмоқда.

Биринчидан, 197[7]-моддада тиббиёт ходимининг қонуний тиббий фаолиятига тўсқинлик қилганлик ёки шу мақсадда тиббиёт ходимига қонунга хилоф равишда ҳар қандай шаклда таъсир ўтказганлик учун алоҳида жавобгарлик белгиланмоқда.

Бунда ушбу ноқонуний фаолиятни амалга оширган фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан етти бараваригача, мансабдор шахсларга эса, етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солиш ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олиш жазосини белгилаш киритилмоқда.

Иккинчидан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 245-моддасида жиноят ишлари бўйича судларнинг 197[7]-моддада назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақидаги ишларни кўриб чиқиши белгиланмоқда.

Учинчидан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 305-моддасига мувофиқ, мазкур тоифадаги ишларни кўриб чиқиш муддати уч суткани ташкил этиши қайд этилмоқда.

Шу билан бирга янги қонун билан “тиббий фаолият”, “тиббий ёрдам”, “тиббий хизмат” каби тушунчаларнинг мазмун-моҳияти очиб берилмоқда. Бундан ташқари тиббиёт ходимининг қонуний тиббий фаолиятига тўсқинлик қилиш билан боғлиқ ҳолатларда жавобгарлик, мазкур ишнинг тааллуқлилиги ва уни кўриб чиқиш муддатлари назарда тутилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, янги қонун тиббиёт ходимлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларнинг касбий фаолиятига турлича аралашувларнинг олдини олиш, шифокор касбининг мақоми ва нуфузини ошириш, фуқароларга ўз вақтида сифатли тиббий ёрдам кўрсатилишига хизмат қилади.

Манзура САЛИМОВА,
Олий Мажлис Сенати Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси аъзоси

Ҳуқуқий маърифат

Кафиллик нима?



Аввало шуни айтиш керакки, “Кафиллик шартномаси” деган тушунча қонунчиликда азалдан мавжуд бўлса-да, унинг асл моҳияти кейинги йиллардаги кредит сиёсатининг ривожланиши туфайли кенг намоён бўла бошлади. Кафиллик шартномасига асосан кафил бошқа шахснинг кредитори олдида муайян даражада жавоб беришни ўз зиммасига олади. Кафиллик шартномаси келгусида вужудга келадиган мажбуриятни таъминлаш учун ҳам тузилиши мумкин.

Энди кафилнинг жавобгарлиги масаласига тўхталадиган бўлсак, қарздор кафиллик билан таъминланган мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда кафил ва қарздор кредитор олдида солидар тартибда жавоб беради (башарти қонунда ёки кафиллик шартномасида кафилнинг субсидиар жавобгар бўлиши назарда тутилган бўлмаса). Бунда кафил кредитор олдида қарздор билан баравар ҳажмда жавоб бериб, фоизлар, қарзни ундириб олиш бўйича суд чиқимлари ва қарздор мажбуриятини бажармагани ёки лозим даражада бажармагани туфайли кредитор кўрган бошқа зарарларни тўлайди.

Кафил кредиторнинг талабига қарши қарздор билдириши мумкин бўлган ҳамма эътирозларни қўйишга ҳақли. Ҳатто қарздор ўз эътирозларидан воз кечган ёки ўз мажбуриятини тан олган тақдирда ҳам кафил ушбу эътирозларга бўлган ҳуқуқини йўқотмайди.

Мажбуриятни бажарган кафилга кредиторнинг ушбу мажбурият бўйича ҳуқуқлари ҳамда гаровга олувчи сифатида кредиторга тегишли бўлган ҳуқуқлар кафил кредиторнинг талабини қанча ҳажмда қаноатлантирган бўлса, шунча ҳажмда ўтади. Кафил кредиторга тўланган суммага фоизлар тўлаш ва қарздор учун жавобгарлик муносабати билан кўрган бошқа зарарини тўлашни қарздордан талаб қилишга ҳақли. Агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, кафил қарздорга кўрсатган хизматлари учун ҳақ олиш ҳуқуқига эга.

Шартномада кўрсатилган кафиллик муддати ўтганидан кейин кафиллик бекор бўлади. Агар асосий мажбуриятни бажариш муддати кўрсатилмаган ва белгиланиши мумкин бўлмаган ёки талаб қилиб олиш пайти билан белгиланган бўлса, кредитор кафиллик шартномаси тузилган кундан бошлаб бир йил мобайнида кафилга нисбатан даъво қўзғатмаган тақдирда кафиллик бекор бўлади.

Хулоса сифатида шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, банк-кредит муносабатларининг кенг ривожланиши натижасида кафиллик шартномаларига бўлган талаб ҳам ошиб бормоқда. Бу жараёнда баъзи жисмоний шахсларнинг қонун талабларини билмаслиги фирибгарлик жиноятининг содир этилиши ҳамда турли низоларга сабаб бўлмоқда. Шу боис кафил бўлишда қонунчиликда белгиланган тартиб-қоидаларни синчиклаб ўрганиш ва уларга қатъий равишда риоя этиш зарур.

Умиджон РАУПОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Кармана туманлараро суди раиси

● *Оқлов*

Инсон қадри — эътиборда

ушбу эзгу тамойил суд-ҳуқуқ ислоҳотларида яққол ифодасини топмоқда



◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

Шунингдек, суднинг ҳукмида судланувчилардан етказилган зарарни ундириш ҳам белгиланган.

Аммо Ш.Исроилова суд ҳукмидан норози бўлиб, юқори суд инстанциясига ариза билан мурожаат қилган. Аниқроғи, ўтган вақт мобайнида Ш.Исроиловани шикоятлари Фарғона вилояти суди ва Олий судда беш маротаба кўрилган. Олтинчи маротаба аввалги ажримларнинг унга тегишли қисми бекор қилиниб, жиноят иши янгидан апелляция инстанциясида кўриш учун Фарғона вилояти судига юборилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, жиноят ишини янгидан кўриш жараёнида Ш.Исроиловани айбсизлиги ўз тасдиғини топди. Жиноят процессуал кодексининг 22-моддасида терговчи, прокурор ва суд ҳақиқатни аниқлаш мақсадида жиноят юз бергани, унинг содир этилишида ким айбдорлиги, шунингдек, у билан боғлиқ барча ҳолатларни аниқлаши шартлиги, 463-моддасида эса, айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмаслиги ва фақат судланувчининг жиноят содир этишда айбли экани суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилиши қайд этилган. Бироқ биринчи босқич суди томонидан мазкур қонуний талабларга риоя қилинмаган. Қолаверса, Ш.Исроиловани ўзига нисбатан эълон қилинган айбловни инкор қилиб, жиноятни содир этмагани ҳақидаги кўрсатмалари етарлича муҳокама қилинмай, унинг айбини тасдиқловчи далиллар, иш бўйича исботланиши лозим бўлган ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона текширилиб чиқилмаган.

Жиноят иши материалларидан кўринишича, биринчи инстанция суди Ш.Исроиловани 14.308.900 сўмлик мебел ва пол артиш матосини талон-торож қилганликда айбли деб топиб, нотўғри хулосага келган. Чунки дастлабки тергов органи томонидан унга мазкур эпизод бўйича айб эълон қилинмаган. Иккинчидан, сув иншоотининг эҳтиёт қисмини ўзлаштирилганлик ҳолати бўйича судда гувоҳлик берган “Фарғона ҳудудий электр тармоқлари корхонаси” акциядорлик жамиятининг ўша пайтдаги бош директори Д.Жалилов 2019 йилнинг апрель-май ойларида марказий омбор ҳудудида корхона ходимлари учун намунавий уй-жойлар қуриш режалаштирилгани, шу боис сув иншооти қурилишга халал берса, уни бузиш бўйича ходимларга топшириқ бергани, бироқ бу ҳақда Ш.Исроиловага буйруқ бермаганини маълум қилган. Бундан ташқари корхонанинг 2020 йил 20 майдаги 3859-15-1-сонли маълумотномасида марказий омборга ўрнатилган сув иншоотининг баланс нархи 3.326.568 сўмни ташкил этиши кўрсатилган. Бу сув иншооти ноқонуний бузилган тақдирда маъмурий жавобгарликка сабаб бўлишини кўрсатади. Чунки Олий суд Пленумининг 2004 йил 21 майдаги **“Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонунни иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”**ги қарори 2-бандида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 61-моддасига мувофиқ корхона, муассаса, ташкилотларнинг мулкини ўғирлаш, ўзлаштириш, растрата қилиш, мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш ёки фирибгарлик йўли билан базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз бараваригача миқдорда талон-торож қилиш маъмурий ҳуқуқбузарлик таркибини ташкил этиши, бундай ҳуқуқбузарлик такроран содир этилганда ҳам агар талон-торож миқдори базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз бараваридан ошмаса, маъмурий жавобгарлик келиб чиқиши қайд этилган.

Шунингдек, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 36-моддасига биноан, маъмурий жазо ҳуқуқбузарлик содир этилган кундан бошлаб, давом этаётган ҳуқуқбузарликлар учун эса, ҳуқуқбузарлик аниқланган кундан бошлаб бир йилдан кечиктирмай қўлланилиши мумкин. Бундан аён бўладики, Ш.Исроиловани маъмурий жавобгарликка тортиш муддати ҳам ўтиб кетган. Ана шу қонуний асосларга таянган Фарғона вилояти суди жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг 2021 йил 12 октябрдаги ҳукмининг Ш.Исроиловага оид қисмини бекор қилган ҳолда уни айбсиз деб топиб, оқлади. Шунинг баробарида оқланувчига етказилган мулкий зиённи қоплаш ҳамда маънавий ва бошқа зиён оқибатларини тегишли тартибда бартараф қилиш ҳуқуқига эга экани тушунтирилди.

Бош қомусимизнинг 44-моддасида **“Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади”,** деб белгиланган. Бинобарин, Ш.Исроилова то оқлов ҳукми чиққунга қадар фуқаролик ишлари бўйича Фарғона туманлараро судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, ўзининг аввалги вазифасига ишга тиклаш, мажбурий прогул учун иш ҳақи ҳамда маънавий зарарни ундириб беришни сўраган. Бироқ суд мазкур даъвони қисман қаноатлантириб, унга 5 миллион сўм маънавий зарар ундириш юзасидан ҳал қилув қарори қабул қилган. Табиийки, Ш.Исроилова оқлов ҳукмидан руҳланиб, Фарғона вилояти судига апелляция шикоятини берган. Натижада суднинг шу йил 5 январдаги ажрими билан “Фарғона ҳудудий электр тармоқлари корхонаси” акциядорлик жамиятининг 2022 йил 29 июндаги 161 ХБИБ-сонли буйруғи бекор қилиниб, Ш.Исроилова корхонанинг хўжалик бўлими қоровули вазифасига ишга тикланди. Шу билан бирга корхонадан ходимнинг мажбурий прогулда юрган даври учун 15.531.270 сўм иш ҳақи ундирилди. Лекин корхона бундан норози бўлиб, Олий судга кассация шикояти билан мурожаат қилди.

Олий суднинг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатида ушбу ишни кўриш мобайнида Ш.Исроиловани даъвоси асосли экани маълум бўлди.

Маълумки, Фуқаролик процессуал кодексининг 419-моддасига мувофиқ, кассация инстанцияси суди кассация шикоятини (протестни) кўриш натижалари бўйича ҳал қилув қарори, ажрим, қарорни ўзгаришсиз, кассация шикоятини (протестини) қаноатлантирмасдан қолдиришга ҳақли. Шу боис судлов ҳайъати Фарғона вилояти судининг жорий йил 5 январдаги апелляция ажримини ўзгаришсиз, кассация шикоятини қаноатлантирмасдан қолдирди.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, "Инсон қадри учун" тамойили асосида одил судлов таъминланди ва айбсиз фуқаро оқланди. Бу, ўз навбатида, судларга бўлган ишончни янада ошириши шубҳасиз. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, **суд остонасига қадам қўйган ҳар бир инсон Ўзбекистонда адолат ҳукм сураётганига тўлиқ ишонч ҳосил қилиши керак.**

Шуҳрат КАМОЛОВ,
Фарғона вилояти суди раиси

30 АПРЕЛЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ РЕФЕРЕНДУМИ КУНИ

Ахборот эркинлиги ва суд муҳокамаси ошкоралиги

янгиланаётган Конституциямизда айни йўналишда янги қоидалар белгиланмоқда

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

Халқаро телекоммуникациялар иттифоқи маълумотларига кўра, 2019 йилда дунёда 53 фоиз одам интернетга уланиш имкониятига эга бўлган. Бу кўрсаткич бир томондан, янги юз йиллик бошидаги кўрсаткичга нисбатан 15 марта кўп бўлса, иккинчи томондан, ахборот-коммуникация технологиялари жамият ривожига таъсир этувчи энг муҳим омиллардан бири эканидан далолатдир.

Чиндан ҳам, давлат ва жамиятнинг барқарор ривожи кўп жиҳатдан фуқароларнинг фикрлар, ғоялар, маълумотлар ва билимларга бўлган эҳтиёжи нечоғлик қондирилишига боғлиқ. Фикр ва сўз эркинлиги ҳар қандай демократиянинг жон томири ҳисобланади.

Фикр, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳамда уни ифодалаш инсоннинг энг муҳим ҳуқуқлари сирасига киради. Машҳур америкалик ҳуқуқшунос Ральф Нейдер таъбири билан айтганда, ахборот – демократиянинг асосий валютасидир. Сўз эркинлигисиз демократия ҳам, инсон эркинлиги ҳам бўлмайди. Сўз эркинлиги – ҳар бир фуқаронинг шахсий ҳуқуқи, ахборот эркинлиги – ҳар бир инсоннинг табиий ҳуқуқидир.

Ахборотдан фойдаланиш, уни таҳлил қилиш ва тезкорлик билан тарқатиш имконияти замонавий жамиятда инсон камолотининг асосий шарти ҳисобланади. Фикрлар ва ғоялар хилма-хиллигига асосланган эркин ва очиқ муҳокамалар, одатда, ҳар қандай масалада энг яхши ечим ва танловга олиб келади, жиддий хатолардан асрайди.

Амалдаги Конституциямизнинг 29-моддасига мувофиқ, ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга. Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга, амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва қонун билан белгиланган бошқа чеклашлар бундан мустаснодир.

Жорий йилнинг 30 апрел куни умумхалқ муҳокамасига қўйилаётган янги таҳрирдаги Конституция лойиҳасида мазкур конституциявий норма аҳоли ва жамоатчилик вакиллари томонидан билдирилган таклифларни инобатга олган ҳолда янада бойитилган. Унга кўра:

• ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътикод эркинлиги, шунингдек, исталган ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқига эга.

• Давлат Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланишни таъминлаш учун шарт-шароитлар яратади.

• Ахборотни излаш, олиш ва тарқатишга бўлган ҳуқуқни чеклашга фақат қонунга мувофиқ ҳамда фақат конституциявий тузум, аҳоли соғлиги, ижтимоий ахлоқ, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат хавфсизлиги ҳамда жамоат тартибини таъминлаш, давлат сирлари ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сир ошкор этилишининг олдини олиш мақсадида зарур бўлган доирада йўл қўйилади.

Ҳозирги замон талаби ҳисобланган ошкоралик, фуқароларнинг ахборот олишга бўлган ҳуқуқларининг ҳимоя қилиниши барча соҳалар каби судлар фаолиятида ҳам амалда намоён бўлмоқда. Олий суд Пленумининг 2020 йил 21 февралдаги **“Суд муҳокамаси ошкоралигини ва судлар фаолиятига доир ахборот олиш ҳуқуқини таъминлаш тўғрисида”**ги қарорида суд муҳокамаси ошкоралиги, судлар фаолиятига доир ахборот олиш ҳуқуқи амалга оширилиши, шунингдек, судлар томонидан мазкур масалага оид қонун ҳужжатлари бир хилда қўлланилишини таъминлаш белгиланган. Ушбу қарорда **“суд муҳокамаси ошкоралиги, судлар фаолияти тўғрисида жамоатчиликка ўз вақтида ва объектив ахборот бериш жамиятда ҳуқуқий хабардорлик даражаси ошишига имкон яратади, одил судловни амалга оширишнинг муҳим кафолати ҳисобланади”** дея қайд этилган. Ҳақиқатан ҳам, суд муҳокамаси ошкоралиги судлов фаолияти устидан жамоатчилик назоратини таъминлаш ва судга нисбатан жамият ишончини оширишнинг самарали воситасидир. Шу муносабат билан судлар суд муҳокамаси ошкоралиги ва судлар фаолиятига доир ахборотни олиш ҳуқуқини амалга ошириш учун зарур шароит яратиши лозим. Бироқ суд муҳокамаси ошкоралиги, судлар фаолиятига доир ахборотни олиш фуқаролик, жиноят, иқтисодий ва маъмурий суд ишларини юритиш вазифаларини амалга оширишга хизмат қилиши ва судлов фаолиятига бирон-бир тарзда аралашишга олиб келмаслиги лозим. Чунки Конституциямизнинг 112-моддасига кўра, судьялар мустақилдир ва фақат қонунга бўйсунади.

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, ўтган қисқа давр мобайнида судларда улар фаолиятига доир ахборотни олиш ҳуқуқини амалга ошириш учун кенг имкониятлар яратилди. Хусусан, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари уйида ўтирган ҳолда интернет тармоғидан фойдаланиб, “jadval2.sud.uz” сайти орқали суд мажлисига тайинланган ишлар рўйхатини олиши мумкин. Шунингдек, “public.sud.uz” сайти орқали судларда кўрилаётган ишларни ишда иштирок этаётган шахслар томонидан онлайн кузатиб бориш, ишни кўрадиган судья, иш кўриладиган саналар ҳамда якунланган ишларнинг ҳужжатлари билан танишиш имконияти яратилган.

Бундан ташқари “vka.sud.uz” сайтида жиноий, маъмурий, иқтисодий ва фуқаролик судларига видео-конференция режимида тайинланган судлар жадвалини кўриш ва иш юзасидан “TE Desktop” дастурий маҳсули орқали онлайн судларда қатнашиш имконияти мавжуд.

Умуман айтганда, янгиланаётган Асосий қонунимизда ошкоралик, холислик ва ахборот олиш эркинлигининг кафолатланаётгани келгусида жамият тараққиётига хизмат қилиб, инсон ҳуқуқларини таъминлашга катта ҳисса қўшади.

Жасур УМАРОВ,
Олий суд бошқарма бошлиғи
Олимжон РЎЗИМУРОДОВ,
Олий суд катта консультанти

Тарих тилсимлари

Ўзбекистонга оид нодир қўлёзмалар

қайси хорижий кутубхона ва музейларда сақланмоқда?

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Ҳозирги пайтда олим ва мутахассислар олдида ана шу бой маданий меросни излаш ва тадқиқ этишдек шарафли вазифа турибди. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш марказида амалга оширилаётган **“Ўзбекистонга оид 100 нодир қўлёзма”** лойиҳаси ана шу эзгу мақсадга қаратилган бўлиб, ёш авлоднинг халқимиз бой маданий меросига бўлган қизиқишини янада юксалтириш, хориждаги маданий ёдгорликларимизни аниқлаш, илмий тадқиқ этиш ва кенг жамоатчиликка етказишга хизмат қилмоқда.

Ушбу лойиҳа Осиё, Европа, Африка, Америка қитъалари, Буюк Британия, Германия, Франция, Ҳиндистон, Россия, АҚШ, Туркия, Италия, Канада, Дания, Эрон, Миср, Ирландия сингари мамлакатлардаги музейлар, илмий ва маданий муассасалар, шахсий коллекцияларни қамраб олган. Масалан, Германиядаги Бавария давлат кутубхонасида сақланаётган Қуръони каримнинг ноёб нусхаларидан бири X асрда Бухорода кўчирилган. Олтин билан сайқалланган, куфий хатида битилган ушбу нусха ёрқин рангдаги нақш ва безаклари билан алоҳида қийматга эга.

Қуръони каримнинг ҳар бир саҳифасига олтин суви югуртирилган яна бир нодир нусхаси Ҳиндистон Миллий музейидан ўрин олган. Қўлёзма саҳифаларнинг ҳошияси чиройли нақшлар билан моҳирона безалган бўлиб, уни 1539 йилда самарқандлик хаттот Муҳаммад Қосим Самарқандий кўчирган. Шунингдек, ушбу музейда Қуръони каримнинг Самарқанд қоғозида битилган нусхаси ҳам сақланади. Қўлёзма 1398 йилда Эронда кўчирилган бўлса-да, Шоҳжаҳон ва Аврангзебнинг муҳри унинг бобурийлар кутубхонасига тегишли бўлганидан далолат беради.

Шотландиянинг Эдинбург университетида Абу Райҳон Беруний қаламига мансуб **“Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”** асарининг 1307 йилда кўчирилган нодир нусхаси сақланмоқда. Асар ислом дини ва исломгача бўлган давр, зардўштийлик тимсолларини ўзида акс эттирувчи 26 та гўзал миниатюра билан безатилган.

Россия музей ва кутубхоналарида ҳам юртимиз билан бевосита алоқадор бўлган ўнлаб нодир қўлёзмалар бор. Хусусан, Россия Фанлар Академиясининг Шарқ қўлёзмалари институтида сақланаётган Соҳибқирон Амир Темурнинг “Темур тузуклари” қўлёзмаси ана шулар сирасидан.

Россия Миллий кутубхонасида ўн еттинчи аср бошида хаттот Мирза Муҳаммад ал-Бухорий томонидан кўчирилган Абулқосим Фирдавсийнинг “Шоҳнома” асари нусхаси сақланмоқда. Ушбу қўлёзма безаклари ва хаттотлик услубига кўра, бебаҳо бўлиб, 23 та миниатюрани ўз ичига олган.

Ҳиндистонда ҳам тарихий мавзулардаги нодир қўлёзмалар анчагина. Хусусан, Худобахш кутубхонасида Самарқандда яшаган араб тарихчиси Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Арабшоҳ қаламига мансуб Амир Темур тарихига бағишланган “Ажоиб ал-мақдур фий ахбори Таймур” асари қўлёзмаси мавжуд. Насҳ хатида зарҳал саҳифаларда битилган бу китоб нақшинкор безаклар билан безатилган. Кутубхонадаги “Тарихи хавоқини Темурия” асари ҳам жуда катта тарихий қимматга эга. Унда Амир Темур ва унинг ворислари, бобурий ҳукмдорлар тарихи тасвирлаган. Хаттотлик ва тасвирий санъатнинг ноёб намунаси бўлган 32 та миниатюрали ушбу қўлёзмага Шоҳ Жаҳон муҳри ва дастхати туширилган.

Франция Миллий кутубхонасидаги Мирзо Улуғбекнинг «Сувар ал-Кавокиб» қўлёзмаси саҳифаларидан буржлар ва юлдузлар жадвали, Мирзо Улуғбекнинг портрети ўрин олган. Шунингдек, ушбу кутубхонада XII асрда лотин тилига таржима қилинган Абу Али ибн Синонинг “Тиб қонунлари” қўлёзмаси ҳам сақланмоқда. “Тиб қонунлари”нинг бундай нодир қўлёзмаларини Италиянинг Болонья университети кутубхонаси, Россия Фанлар Академияси Шарқ қўлёзмалари институти, АҚШ Йел тиббий-тарихий кутубхонаси, Миллий тиббиёт кутубхонаси ва Британия кутубхонасида ҳам учратиш мумкин.

Оксфорддаги Бодлеан кутубхонасида сақланаётган ал-Хоразмийнинг «Мухтасар мин ҳисоб ал-жабр ва-ал-муқобала» номли асари ўз даврида замонавий алгебра фани учун асос вазифасини ўтаган.

Лондондаги Британия кутубхонасида ҳазрат Алишер Навоийнинг бир қанча қўлёзмаларини учратиш мумкин. Масалан, 1482-83 йилларда кўчирилган “Ғаройиб-ус сиғар” девони мовий ва тилларанг безаклари, нафис миниатюралари билан бошқалардан ажралиб туради.

Россия Миллий кутубхонасида сақланаётган Алишер Навоий “Хамса”сининг ноёб қўлёзмаси жилди тилларанг нақшли чармдан тайёрланган. Шунингдек, ушбу кутубхонада Алишер Навоийнинг 1465-66 йилларда кўчирилган “Илк девон”и, “Хамса”си, миниатюрали куллиёти, “Мажолис ун-нафоис” тазкираси қўлёзмалари ҳам мавжуд.

Россия Фанлар Академияси Шарқ қўлёзмалари институтининг нодир жавоҳирларидан бири Хусайн Бойқаро қаламига мансуб 154 ғазалдан иборат девон ҳисобланади. У ҳукмдорнинг шахсий кўрсатмасига биноан Султон Али Машҳадий томонидан кўчирилган, тилларанг нақш ва миниатюралар билан безатилган. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Дунё бўйлаб сочилган бундай бебаҳо маданий жавоҳирлар хорижий мамлакатлардаги йирик кутубхона ва музейлар, нуфузли илмий марказларда кўз қорачиғидек сақланаётгани қувонарли ҳол, албатта. Аммо уларнинг нусхаларини олиб келиш, илмий асосда ўрганиш ва кенг тарғиб этиш зарур. Бу аждодлар олдидаги масъулиятли мажбуриятимиздир.

Рустам ЖАББОРОВ,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори

Савол беринг, жавоб берамиз

Ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташ тартиби

— Ҳамкасбим автоҳалокат содир этгани учун суд томонидан ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланганини айтди. Бу қандай жазо ва у кимларга нисбатан тайинлайди? Уни ўташ тартиби қандай?

Д.ЭШЖОНОВА,
Тошкент вилояти

— Ахлоқ тузатиш ишлари жазоси Жиноят кодексининг 46-моддасига биноан иш ҳақининг 10 фоизидан 30 фоизигача миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолиш шарти билан олти ойдан уч йилгача шахсни меҳнатга мажбуран жалб қилиш мақсадида тайинланади. Жиноят содир этиш пайтида 18 ёшга тўлмаганларга нисбатан бу жазо бир ойдан бир йилгача муддатга тайинланади.

Жазонинг бу тури асосан маҳкумнинг содир этган жиноятига яраша озодликдан маҳрум қилмаган ҳолда ахлоқан тузатишга қаратилади. Яъни бу жазо ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир қилган шахсларга нисбатан уларни жамиятдан ажратмасдан ҳам тарбиялаш мумкин бўлган тақдирда тайинланади. Мазкур жазо тури пенсия ёшига етган, меҳнатга қобилиятсиз шахслар, ҳомиладор ёки ёш боласини боқиш учун таътилда бўлган аёллар ва ҳарбий хизматчиларга нисбатан қўлланилмайди.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташ тартиби икки хил усулда амалга оширилади: маҳкумнинг ўз иш жойида ёки ички ишлар органлари томонидан белгиланган жойларда ўташ. Суд жазони маҳкумнинг ўз иш жойида ўташи мумкин эмас, деган хулосага келганида ички ишлар органлари томонидан белгиланган жойда ўташ учун юбориши мумкин. Лекин жазони қаерда ўташидан қатъи назар, маҳкум яшаш жойидаги жазони ижро этиш инспекцияси томонидан назорат қилинади.

Бундан ташқари маҳкумдан ҳукм талабларини бажариш, жазоларни ижро этиш инспекциясига жазони ўташ билан боғлиқ бўлган ҳужжатларни ўз вақтида тақдим этиш, яшаш ва иш жойидаги ўзгаришлар ёки меҳнат шартномаси бекор қилингани ҳақида инспекцияни хабардор қилиш, чақирувга биноан инспекцияда ҳозир бўлиш талаб этилади. Шунингдек, жазони ижро этиш инспекцияси белгилайдиган жойларда жазони ўташ муддати мобайнида инспекциянинг ёзма рухсатисиз меҳнат шартномасини маҳкумнинг хоҳишига кўра, бекор қилиш мумкин эмас. Маҳкумдан меҳнат талабларини бажариш, меҳнат интизомига бўйсуниш, ўзига юклатилган меҳнат мажбуриятларини бажариб бориш талаб этилади.

Саволга Олий суд бош консультанти Акром Арипов жавоб берди.

Жиноят ва жазо



ҚИДИРУВДАГИ БОСҚИНЧИ ХОРИЖДА ҚЎЛГА ОЛИНДИ

Қўқон шаҳрида яшовчи Миродил Иминов (исм-шарифлари ўзгартирилган) хусусий корхоналардан бирининг раҳбари сифатида фаолият юритиб келаётганди. Унинг тўнғич фарзанди Маҳмуджон Иминов ҳам шу корхонада ишларди. Бундан чамаси, уч йил муқаддам М.Иминов корхона ишчиларидан бири Ортиқали Умировга қўпол хатоси учун қаттиқ танбеҳ беради. Бунга О.Умировнинг ўзи билан бирга ишлайдиган ўғли Миразиз Умиров ҳам гувоҳ бўлади ва унинг кўнглида адоват туғилади. Яъни у ота-ўғилдан қасд олиш пайига тушади.

Бинобарин, у таниши Фарҳод Солиев билан маслаҳатлашиб, пайт пойлаб, Маҳмуджон Иминовдан қасд олишни режалаштиради. Қолаверса, у Ф.Солиевга жиноий режасини амалга ошириш учун яна битта одам топишини айтади.

2019 йил 22 январь куни М.Умиров иш пайти Миродил Иминов ўғлига катта миқдорда нақд пул бергани, ўз навбатида, ўғли пулни “Lacetti” русумли автомашинасининг юкхонасига жойлаб қўйганини кўради. Шундан сўнг у зудлик билан таниши Ф.Солиевга қўнғироқ қилиб, бу ҳақда хабар беради. Яъни М.Иминов ишдан қайтгач, уйининг олдида унга ҳужум уюштириш лозимлигини уқтиради.

Шундан сўнг Ф.Солиев жиноий режани амалга ошириш учун таниши Жўрахон Қулматовни ёрдамга чақиради. Кейин иккаласи “Спарк” русумли автомашинада Иминовлар хонадони жойлашган Ўзбекистон туманининг “Қатағон” маҳалласига келиб, юзларига ниқоб кийган ҳолда пойлаб туришади. Кечки соат 19^{00} ларда М.Умиров уларга қўнғироқ қилиб, М.Иминов уйига жўнаб кетгани тўғрисида хабар беради. Буни эшитиб, жиноий шериклар Ф.Солиев ва Ж.Қулматов шай туришади. Орадан кўп ўтмай М.Иминов етиб келиб, автомашинасини дарвоза ёнига тўхтатади. Шунда Ф.Солиев унинг ёнига бориб, талмовсираган куйи қандайдир қизнинг яшаш манзилини сўрайди. Айни шу лаҳзада унинг ёнида Ж.Қулматов ҳам пайдо бўлади. Шунда Ф.Солиев қўққисдан М.Иминовнинг юзига мушт туширади. Бундан М.Иминов эсанкираб қолади. Аммо у тезда ўзини қўлга олиб, қаршилик кўрсатади. Ф.Солиев кутилмаганда чўнтагидан қўлбола пичоқни олиб, М.Иминовнинг оёғига санчади. Бунинг устига Ж.Қулматов “Шпага” ва “Шок” номли кўзни ёшлантирувчи суюқликни жабрланувчининг кўзига сепади. Оқибатда М.Иминов ҳеч нарсани кўрмай қолади.

— Машинани ҳайда!, — дея Ф.Солиев жиноий шеригига буюради.

Ж.Қулматов дарров автомашинани бошқаришга тушади. Буни қарангки, М.Иминов ҳам амаллаб, автомашинанинг орқа ўриндиғига ўтириб олади. Табиийки, босқинчилар буни кутишмаганди. Бинобарин, Ф.Солиев унинг бўйнига пичоқ тираб, дамини чиқармасликни буюради. Қолаверса, у М.Иминовнинг чўнтагидан 100.000 сўм ва устидаги курткасини тортиб олади. Кейин туманнинг Мингтут қишлоғига яқинлашганда уни мажбуран автомашинадан тушириб, ўзлари кўздан ғойиб бўлишади.

М.Иминов босқинчилар автомашинадан мажбуран тушириб юборишганда асфальтга қаттиқ йиқилиб, бир муддат ҳушини йўқотади. Сўнг ўзига келгач, яқин орадаги автомобиль ювиш шоҳобчасида турган нотаниш йигитнинг телефонидан онасига қўнғироқ қилади. Орадан кўп ўтмай отаси Миродил Иминов етиб келади. Шундан сўнг улар жиноятчилар қочиб кетган томонга юришади. Аммо улар Тўқсонқовун қишлоғига етиб боришганда “Lacetti” русумли автомашинанинг огоҳлантирувчи чироқлари ёқилган ҳолда йўл четида қолдириб кетилганини кўришади. Кўп ўтмай воқеа жойига ички ишлар ва Миллий гвардия ходимлари ҳам етиб келишади. Чунки Миродил Иминов аллақачон “102” қисқа рақамига қўнғироқ қилиб, жиноят ҳақида хабар берганди.

Шундан сўнг ушбу ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилади. Бироқ Миразиз Умиров терговдан яшириниб, Россия Федерациясига қочиб кетади. Шу боис ўша пайтда унга нисбатан қидирув эълон қилинади. Жиноий шериклар Ф.Солиев ва Ж.Қулматов қўлга олинади. Уларга нисбатан жиноят ишлари бўйича Бешариқ тумани судининг 2020 йил 13 июлдаги ҳукми билан қонуний жазо тайинланади.

Аммо М.Умиров ҳам қонуний жазодан қочиб, узоқ вақт яшириниб юролмади. Орадан икки ярим йил ўтиб, у Россия ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари томонидан ушланди ва мамлакатимизга экстрадиция қилинди.

Албатта, жиноят катта-кичиклиги, яъни қандай малакаланиши ёки таснифланишидан қатъи назар, унга нисбатан жазонинг муқаррарлиги таъминланиши шарт. Суд босқинчи М.Умировни Жиноят кодексининг 28,164-моддаси 2-қисми “а, б” бандлари билан айбдор деб топиб, озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинлади. Қолаверса, суд ҳукмида судланувчидан давлат фойдасига 27.879.529 сўм экстрадиция харажатларини ундириш ҳам белгиланди.

Хулоса сифатида айтадиган бўлсак, кек ва адоват одамга ҳеч қачон фойда келтирмаган. Шу боис ундан узоқда юрган маъқул. Акс ҳолда баён этилгани сингари аянчли ҳолатга тушиш ҳеч гап эмас.

Аброржон ОМОНОВ,
жиноят ишлари бўйича Учқўприк тумани суди раиси

Қизиқарли фактлар

Машҳур инсонларнинг ҳаёт йўли, фаолияти, ўзгача феъл-атвори ва одатлари кўпчиликни қизиқтириши шубҳасиз. Қолаверса, улар билан боғлиқ бўлган антиқа воқеа-ҳодисалар ҳам киши эътиборини тортиши табиий. Қуйида шулар ҳақда ҳикоя қиламиз.



АЛИШЕР НАВОИЙ ЯРАТГАН КУЙЛАР

Хондамир “Хулосат ул-ахбор”, Бобур “Бобурнома”, Мутрибий “Нусхайи зебойи Жаҳонгир” асарида Алишер Навоий мусиқа илмининг билимдони бўлгани, тевараги-дагиларни ҳам соз илмини ўрганишга чорлагани, мусиқалар басталагани ҳақида маълумот берган. Бироқ бу асарларда Алишер Навоий айнан қандай мусиқаларни кашф этгани ҳақида аниқ маълумот йўқ.

Буюк шоирнинг куйларидан баъзилари ҳозиргача етиб келган, деган тахмин ҳам бор. Жумладан, Абдурауф Фитрат “Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи” китобида “Қари Наво” ёки “Қари Навоий” куйи ҳақида шундай фикр билдирган: “Бу куйнинг жуда эски бир куй экани ҳар томонда сўйланиб турур. Эшитганимизга кўра, Фарғонада ҳам “Қари Навоий” исмли эски бир куй бор. Тошкент мусиқачилари бу куйни “Қари Наво” дерлар. Бироқ бу исм янглишдир. Алар шул “Қари Навоий” исмини бузиб олғанлар. Бухоронинг эски мусиқашуносларининг орасида бу куй Навоий асари бўлғони сўйланадир. Мана шу маълумотлардан сўнг “Қари Навоий” куйининг Алишер Навоий асари бўлғани эҳтимоли кучланиб қоладир”.

Бу куй билан айтиладиган “Шода-шода марварид” қўшиғи жуда машҳур. Ўйноқи, шўхчан бу куй кейинчалик халқ қўшиғи учун ишлатилган бўлиши мумкин.

ДУНЁДА ҚАНЧА КИТОБ БОР?

Етакчи қидирув сайти бўлган “Гоогле” дунёдаги барча бадиий, публицистик ва илмий асарларни ҳисоблаб чиқди. Унга кўра, дунёда 129 864 880 дона китоб бор экан.

Бироқ бу интернетга маълум китоблар, холос. Кутубхоналар ва қўлёзма фондларидаги жуда кўп китобларни қидирув машинасининг ўткир нигоҳлари “тута олмаган”и аниқ.

БОЛАЛАРНИ АЛДАБ БЎЛМАЙДИ

Колумбиялик ёзувчи Габриэль Гарсиа Маркес фусункор реализм йўналишидаги асарлари билан бутун дунёга машҳур. Унинг “Ёлғизликнинг юз йили”, “Ошкора қотиллик қиссаси”, “Бузрукнинг кузи” каби асарларини китобхонлар севиб мутолаа қилади.

Кунларнинг бирида Маркес ўзини болалар адабиётида ҳам синаб кўрмоқчи бўлиб, эртаклар ёзади. Асарлари митти ўқувчиларда қандай таассурот қолдиришини билиш учун ўз ўғилларига ўқишга беради. Бироқ натижа кутилганидек бўлмайди. Тўғрисўз ёзувчининг тўғрисўз болалари битта эртакни ўқиб чиққач, уни шундай сўзлар билан қайтариб беришади:

– Нима, болаларни шунчалик содда деб ўйлаяпсизми?

ЁШ ШОИР НОМИДАГИ КЎЧА

Одатда, ўттиз ёш атрофидаги ижодкорларга таъриф берилганда “ёш” сўзи қўшиб айтилади. Балки шунга кўниккани, кўнгани учун ҳам “ёш”лар катта асарлар ёзмайди, катта бадиий изланишларга қўл урмайди. Бироқ тарихда ном қолдирган жуда кўп ижодкорлар ўттизда “ёш”лик даражасидан анча олислаб кетган. Буни мумтоз адибларимиз ҳаёти, ўтган асрда яшаб ўтган ёзувчилар таржимаи ҳоли мисолида ҳам кўриш мумкин.

Атоқли испан шоири Федерико Гарсиа Лорканинг ижодий фаолияти чинакам қаламкаш адабиётга жиддий мақсадлар билан қадам қўйиши ва бу мақсадларга эртароқ эришиши зарурлигини яна бир бор кўрсатиб берди. У эрта танилди, асарлари севиб ўқилди ва қўлма-қўл бўлди. Лорка ҳаётлик пайтидаёқ 1931 йили Фуенте Вакерос тумани ҳокимлиги Де Ла Иглесиа кўчасини шоир шарафига “Федерико Гарсиа Лорка” деб номлади. Бу пайтда у эндигина 33 ёшга кирган эди.

“ҲЕМИНГУЕЙ” НОМЛИ БАЛИҚ

Эрнест Ҳемингуей балиқ овига жуда қизиққани, ҳатто балиқ ови мусобақасида мунтазам иштирок этгани кўпчиликка маълум. У кунларнинг бирида 357 килолик мако акуласини тутишга муваффақ бўлади. 1938 йили эса, бир кунда 7 дона улкан балиқ овлаб, жаҳон рекордини ўрнатади.

Ёзувчининг қизиқишлари балиқ овлаш билангина чекланмайди. У уммонларда яшовчи янги балиқ турини кашф этади, кейинчалик бу балиқ адиб шарафига номланади.

Интернет материаллари асосида Бобомурод РАЙИМОВ тайёрлади.

Куч — адолатда

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодиқул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Бахтиёр ИСЛАМОВ, Робахон МАХМУДОВА, Халилилло ТУРАХУЖАЕВ, Икрам МУСЛИМОВ, Шуҳрат ПОЛВАНОВ, Холмўмин ЁДГОРОВ, Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ, Замира ЭСОНОВА, Азиз АБИДОВ, Бобомурод РАЙИМОВ

Саҳифаловчи: Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Манзилимиз: 100097, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўпонота кўчаси, 6-уй, Тел.: 71 273-72-29 E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Нашр индекси: якка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.
Буюртма: Г-415 Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ.
Сотувда эркин нархда. Адади: 7015
1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: 21^{00}. Топширилди: 23^{30}.